Innovative Academy
Research Support Center

1(01)

ZAMONAVIY DUNYODA INNOVATSION TADQIQOTLAR: NAZARIYA VA AMALIYOT

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYASI

OpenAIRE

zenodo

INTERNET ARCHIVE

OPEN ACCESS

innacademy.uz

«INNOVATIVE ACADEMY» ILMIY TADQIQOTLARNI QO'LLAB-QUVVATLASH MARKAZI

« ZAMONAVIY DUNYODA INNOVATSION TADQIQOTLAR: NAZARIYA VA AMALIYOT » NOMLI № 01-SONLI ILMIY, MASOFAVIY, ONLAYN KONFERENSIYASI

ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYA TO'PLAMI
СБОРНИК НАУЧНЫХ-ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЙ
SCIENTIFIC-ONLINE CONFERENCE COLLECTION

https://doi.org/10.5281/zenodo.5256192

OpenAIRE



OPEN ACCESS zenodo INTERNET ARCHIVE

innacademy.uz

«ZAMONAVIY DUNYODA INNOVATSION TADQIQOTLAR: NAZARIYA VA AMALIYOT» NOMLI № 01-SONLI ILMIY, MASOFAVIY, ONLAYN KONFERENSIYASI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING 2020 YIL 2-MART KUNGI «ILM, MA'RIFAT VA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH YILI»DA AMALGA OSHIRISHGA OID DAVLAT DASTURI TO‘G‘RISIDA»GI FARMONIDA KO‘ZDA TUTILGAN VAZIFALARNI IJROSINI TA'MINLASH MAQSADIDA «INNOVATIVE ACADEMY RSC» MCHJ TOMONIDAN TA'SIS ETILGAN «EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH (EJAR)» ILMIY-USLUBIY JURNALINING (O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI AXBOROT VA OMMAVIY KOMMUNIKASIYALARNI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGINING 1415-SONLI GUVOHNOMA HAMDA ISSN 2181-2020, WWW.INNACADEMY.UZ VEB SAYTI) «ZAMONAVIY DUNYODA INNOVATSION TADQIQOTLAR: NAZARIYA VA AMALIYOT» NOMLI ILMIY, MASOFAVIY, ONLAYN KONFERENSIYASI E’LON QILINADI.

KONFERENSIYA TO’PLAMI ZENODO, OPEN AIRE, OPEN ACCESS VA INTERNET ARCHIVE BAZALARIDA INDEKSLANADI. KONFERENSIYA TO’PLAMIGA DOI RAQAMI BERILADI. KONFERENSIYA TO’PLAMIGA QUYIDAGI YO‘NALISHLAR BO‘YICHA MAQOLALAR QABUL QILADI:

1. **ANIQ FANLAR**
2. **TABIIY FANLAR**
3. **TEXNIKA FANLARI**
4. **PEDAGOGIKA FANLARI**
5. **IJTIMOIY-GUMANITAR FANLAR**
6. **TIBBIYOT FANLARI**
7. **IQTISOD FANLARI**

ESLATMA! KONFERENSIYA MATERIALLARI TO‘PLAMIGA KIRITILGAN MAQOLALARDAGI RAQAMLAR, MA’LUMOTLAR HAQQONIYLIGIGA VA KELTIRILGAN IQTIBOSLAR TO‘G‘RILIGIGA MUALLIFLAR SHAXSAN JAVOBGARDIRLAR.

MUNDARIJA

МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА ВА УНИНГ ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Хўжанова Тамара Джураевна
Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ўқитувчиси
sapayev-2017@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада мафкуравий профилактика ва унинг ғоявий-мафкуравий жараёнлар тизимида тутган ўрни ва инсон дунёқараши билан алоқадорлиги масалалари назарий-методологик жиҳатдан кўриб чиқилган. Шунингдек, соҳа мутахассисларини бу бўйича ёндашувлари таҳлил қилинган. Шунингдек, хулоса қисмида муаллифнинг мавзуга доир фикр-мулоҳазалари келтирилади.

Калит сўзлар: мафкуравий профилактика,ғоявий-мафкуравий жараёнлар, мафкуралардан ҳимоя, ислоҳотлар, таҳликали жараён, миллий тикланишб, аҳоли, тафаккур, тараққиёт, ислоҳот, ижтимоий ҳаёт соҳалари.

КИРИШ

Инсониятнинг тарихий тараққиёти шу нарсани кўрсатадики, жамиятдаги ҳар бир аҳоли қатлами ўз мақсад ва муддаоларини ифода этувчи мафкуравий тизимини яратгач, бошқаларни ҳам шунинг таъсирига тортишга, ўз маслакдошлари сафини кенгайтиришга ҳаракат қилиб келган ва у ҳозир ҳам давом этмоқда. Бунда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий фаолият ва таълим-тарбия жараёни муҳим аҳамиятга эга.

Ғоялар жамиятда ҳақчил бўлиб, кўпчиликнинг эҳтиёжларига жавоб берса, мамлакатдаги барча соҳаларда таълим-тарбия масаласига катта эътибор қаратилса, тарбиячи ўқитувчилар фаол ва ватанпарвар бўлса, тарбиядан кўзланган мақсад мукаммал бўлади. Шунда ўсиб келаётган ёш авлод ўз мақсадини англаб етиши ва ўз мафкурасини шакллантириб боришида ҳар бир ёш ўз мақсадларини қалби-онги ва шуурига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради. Мана шундагина жамиятнинг, айниқса, баркамол авлоднинг мафкуравий иммун тизими тўлақонли аҳамият касб этади.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”[1] давлат дастурда ёшларни маънавий етук ва руҳий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш масаласига жиддий этибор қаратилган.

Унда, шунингдек, таълимнинг барча шаклларини бугунги кун замон талаблари асосида такомиллаштириш масаласи ўта долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган муҳум вазифадир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бугунги кун ёшлари таълим-тарбияси тўғрисида фикр юрутганда “Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини жуда-жуда истардим: Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб, иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ.

Қаранг, қандай бебаҳо, олтинга тенг сўзлар!

Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда”[2[, деб таъкидлайди президентимиз: Шу маънода, ғоявий профилактиканинг ёш авлодни ғоявий ҳимоялашдаги асосий вазифаларга жисмонан соғлом, маънавий етук ёшларни тарбиялашга бўлган интилишлар инсоният цивилизациясининг маъно-мазмунини ташкил қилади. Инсоният жамияти тарихига назар ташласак, ҳар қандай жамиятда комилликнинг энг асосий кўрсаткичи инсоннинг эзгуликка, ижтимоий бахт-саодатга, гуманистик ғояларга муносабатида ҳамда уларга асосланган амалий фаолиятида намоён бўлади. Яъни жамиятнинг умумий ривожига, инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатувчи комиллик мезони инсонни, шахсни баркамол қилиш орқали жамиятни бахтли, саодатли қилишдан иборат бўлиб келган.

НАТИЖА

Маълумки, профилактика тушунчасини табиий фанларда, айниқса, тиббиётда кўпроқ қўлланишига ўрганиб қолганмиз. У мазкур соҳада касалликнинг олдини олиш ва даволаш жараёнининг таркибий қисми сифатида тушунилади. “Ғоялар фалсафаси нуқтаи назаридан мафкуравий профилактика ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий, маънавий-маърифий ишлар мажмуи бўлиб, бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб оладиган фаолиятни ифодалаш учун қўлланадиган тушунчадир. Мафкуравий профилактика ғоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий парокандаликнинг олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва йўлларидан фойдаланиб, турли воситалар қўлланади”[3]. Ғоявий, ва мафкуравий тарғибот ва ташқивот ишлар ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш жараёнлари хар доим мукаммалик билан вазифаларни тўғри олиб бориш самарали натижага эришиш мумкин. Жамият ҳаётини турли соҳаларида ёшлар орасида мафкуравий иммунитет хосил қилиш ва шу хусусида шаклланган ҳамда ривожланган мафкуравий профилактиканинг ўзбек халқи ёшларини ҳимоялашда ўта муҳим. Шу боисдан бузғунчи ва ғаразли ғояларнинг мамлакатимизга кириб келишини ҳар томонлама олдини олишга таянади.

“...биз дунёдаги ҳозирги мураккаб ва кескин шароитни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, ўзимизнинг биринчи даражали вазифаларимизни биргаликда белгилаб олишимиз даркор.

Бугун биз халқимизни ишонтириб, баланд овоз билан айтишимиз зарурки, буюк устозимизнинг сиёсий мероси, яъни, у киши белгилаб берган тараққиётимизнинг асосий тамойиллари, устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Биринчидан, биз ҳар доим Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг чуқур маъноли ўгитларини, айниқса, “Бизга тинчлик ва омонлик керак!”, – деган сўзларини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги таҳликали вазиятда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек сақлашимиз, юртимиздаги миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашимиз керак”[4], деб таъкидлайди Шавкат Мирзиёев.

МУҲОКАМА

“Иммунитет” сўзи тиббий тушунча бўлиб, у организмнинг доимий ички муайянлигини сақлашга, турли ташқи таъсирлардан, инфекциялардан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуини ифодалайди. Соддароқ қилиб айтганда, иммунитет – организмнинг ўз-ўзини турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилияти. Мафкуравий иммунитетнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин. Биринчидан, инсоннинг умумий иммунитети, ижтимоий жараёнларнинг маҳсули бўлиб, муайян маънавий-маърифий тадбирлар асосида шаклланиб боради. Иккинчидан, у ҳар бир даврнинг хусусиятларига, муайян авлод яшаётган замон ва жамиятнинг тараққиёт қонунларига боғлиқ бўлади. Учинчидан, жамиятда мустаҳкам ғоявий иммунитет тизими шакллангандагина, шу жамиятнинг мафкуравий дахлсизлиги ва барқарорлиги таъминланади”[5].

Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи элементи билимдир. Аммо билимнинг ҳам турлари кўп. Улар ўз моҳиятига кўра, Ватан ва халқ мақсадлари билан мукаммал боғлиқ бўлади.

Ёш авлод қалби ва онгини эгаллашга бўлган ҳаракатлар тўхтамас экан, жамият муайян соғлом мафкурага эҳтиёж сезиб яшайди. Жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатадиган, одатда, унинг таназзули, ҳалокатига сабаб бўладиган фашизм, коммунизм, диний-экстремизм каби носоғлом мафкура шаклларидан фарқли ўлароқ, соғлом мафкура инсоният тараққиётини тезлаштиради, халқ фаровонлиги, Ватан равнақига имкон яратади.

ХУЛОСА

Мафкуравий иммунитетни фуқаролар онгига сингдириш, авваламбор, оиладан бошланади. Ватанга муҳаббат тушунчаларнинг ўқ илдизи аввало оилада, ундаги тарбия воситалари билан, сўнгра, аждодларимиз ўгити, Шарқона меҳр-оқибат орқали амалга ошади. Бу тушунчаларни ёшлар қалби ҳамда онгига сингдиришда таълим ва тарбиянинг турли шакллари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мулоҳазаларимиздан хулоса ясайдиган бўлсак:

Биринчидан, мафкуравий иммун тизими мустаҳкам бўлган инсонгина ҳозирги кунда ўзининг жирканч ниятларини амалга ошириш мақсадида турли хил йўллар билан кириб келаётган, ёшларимизнинг қалби ва онгини қандайдир зарарли ва бузғунчи ғоялар билан эгаллашга ҳаракат қилаётган ёвузларга қарши ҳам кураша олади, ҳам ўз юртини ҳимоя қилади.

Иккинчидан, мазкур вазифа билан боғлиқ мафкуравий иммунитетни камол топтириш кўпгина ижтимоий-иқтисодий ва миллий-мафкуравий тарбия омиллари билан боғлиқ. Бу катта меҳнат талаб қилувчи мураккаб жараён бўлиб, барча касбдаги кишиларда, хусусан, ёшларда Ватанга садоқат, Юрт тинчлиги ва Халқ фаровонлиги ғояларини амалга ошириш йўлидаги фидойилик каби фазилатларни камол топтиришдир.

Учинчидан, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган ғоявий тарбиянинг асосий мақсадларидан бири аҳолининг турли қатламлари учун умумий тамойилларга эга бўлган фуқаролик масъулияти ва инсонийлик бурчи билан боғлиқ тушунчаларни шакллантиришдан иборат. Бу тушунчалар қадим замонлардан буён маълум. Аммо улар деярли ҳамма вақт кишининг миллий, синфий, ирқий, диний, ҳудудий ҳолатларига қараб, турли чекинишлар ёки имтиёзлар билан боғлиқ бўлган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Мирзиёев Ш.М. "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови". Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан // "Халқ сўзи", 2016 йил 8 декабрь.

Мирзиёев Ш.М. "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови". Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан // "Халқ сўзи", 2016 йил 8 декабрь.

Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. – Тошкент: Академия, 2011. – Б. 28.

Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқ. // "Халқ сўзи", 2016 йил 9 сентябрь.

Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси (тажрибавий қўлланма). – Т.: "Академия", 2011.– 213–214 бетлар.

INNOVATSION MUHIT SHAROITIDA KORXONALAR RAQOBATDOSHLIGINI OSHIRISHNING AFZALLIGI

Sherzodova Diyora Sherzod qizi
Samarqand Davlat arxitektura-qurilish instituti talabasi

So‘nggi yillarda respublika iqtisodiyoti tarmoqlari va ijtimoiy sohani innovatsion rivojlantirish, ilm-fan va ilmiy faoliyatni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash va natijadorligini oshirish bo‘yicha aniq maqsadga yo‘naltirilgan chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Hozirgi kunda, ishlab chiqarish korxonalarini modernizatsiya qilish, barcha resurslardan tejamli foydalanish va buning natijasida ichki hamda tashqi bozorda raqobatbardosh, innovatsion, yuqori texnologiyaga asoslangan, eksportga yo’naltirilgan va import o’rnini bosadigan mahsulotlar ishlab chiqarishni kengaytirish talab etilmoqda. Ayniqsa, real sektor korxonalari ishlab chiqarish samaradorligini oshirish, raqobatbardoshligini ta’minlashda innovatsion texnologiyalardan samarali foydalanish to’g’risida fikr yuritar ekanmiz, avvalambor, innovatsion faoliyat mohiyatiga to’xtalib o’tsak.

O’tgan asrning o’rtalarida tobora rivoj topgan ilmiy-texnik revolyutsiya, ishlab chiqarishning texnologik o’zgarishlari o’sha davrning barcha mulkdorlar, tadbirkorlar hamda iqtisodchilar diqqat markazida bo’ldi. Bu kabi o’zgarishlar ilmiy tilda – innovatsiya atamasi bilan ifodalana boshlandi. Bugungi zamonamizda – innovatsiya tushunchasi biron bir turdagi faoliyatni tarkibiy jihatdan yangilash, tubdan o’zgartirish, xo’jalik faoliyati subyektlari tomonidan ilmiy-texnik tashkiliy, boshqaruv va boshqa yangiliklarning yaratilishi tarqalishi hamda joriy etilishini anglatmoqda.

Jahon amaliyotida “innovatsiya” atamasi bozorga tadbiq etilgan yangi yoki takomillashtirilgan mahsulot yoki amaliy faoliyatda foydalanilayotgan ilg’or texnologik jarayon yoki insonlar turmush sharoitini yaxshilash maqsadida yaratilgan innovatsion faoliyatning yakuniy natijasi sifatida belgilanadi. U hayotga tadbiq etilganidan keyin barcha ega bo’lib ayirboshlash natijasida jamiyat a’zolariga ijtimoiy-iqtisodiy yoki ma’naviy naf keltiruvchi tovarlarga – innovatsiya deyiladi.

Fikrimizcha, hozirgi zamon raqobat muhitida faoliyat yuritayotgan ilg’or tadbirkor faqatgina innovatsiyalar, yangiliklar yordamida bozorda o’zining mavqeyini mustahkamlashi hamda daromadini yuqori darajasiga erishishi mumkin. Iqtisodiy sharoitlarni chuqurlashtirish sharoitida korxonalarni innovatsion texnologiyalar yordamida rivojlantirish ustuvor vazifalar qatoriga kiradi. Dunyoning aksariyat davlatlarida hukm surayotgan bozor iqtisodiyoti bozor subyektlari oldiga ilm-fan yutuqlari ya’ni innovatsion texnologiyalardan turmushimizning har bir jabhasida joriy etish va ulardan to’liq foydalanish vazifasini qo’ymoqda.

Bugungi kunda dunyoda barcha sohalarda sifatli o’sishni ta’minlovchi yangiliklarni amaliyotga dadil tadbiq etish jamiyatni va iqtisodiy rivojlanishni harakatlantiruvchi kuchga aylanganini ko’rsatmoqda. O’zini iqtisodiyotida innovatsion modellarni “aqlli” texnologiyalarni qo’llayotgan mamlakatlar eng muvaffaqiyatli va barqaror davlatlar hisoblanadi. Ularning izchil ravnaq topishi, jahon bozorlaridagi raqobatbardoshligi hududidagi tabiiy resurslarni eksport qilish va jismoniy mehnatdan foydalanishga emas, balki innovatsion g’oyalar va ishlanmalarga asoslanadi. Iqtisodiyotda amalga oshirilayotgan innovatsion faoliyat, ya’ni xo’jalik yurituvchi subyektlar tomonidan fan-texnik, tashkiliy va boshqaruv sohalariga oid hamda boshqa turdagi

yangiliklarni yaratib, ulardan foydalanish va keng yoyish iqtisodiyotni modernizatsiyalashning mazmun-mohiyatini tashkil etadi.

Innovatsion faoliyat korxonani iste'molchilar talab va ehtiyojlariga javob beradigan, korxonaning iqisodiy salohiyatini oshishini ta'minlaydigan mahsulotlarni yaratish va ishlab chiqarish yo'li bilan ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga mo'ljallanishini ko'zda tutadi. Iqtisodiyot tarkibida sanoatning rivojlanish dinamikasidagi muhim o'zgarish korxonalar va ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik yangilanish asosida sanoatda chuqur tarkibiy o'zgarishlar va diversifikatsiyaning amalga oshirilgani hisoblanadi. Bu borada iqtisodiyotda innovatsion faoliyatni rivojlantirishning quyidagi usullari mavjud:

Turli tarmoqlarda innovatsion klasterlarni rivojlantirish bo'yicha davlat tomonidan maqsadli innovatsion loyihalarni ishlab chiqish va amalga oshirish mexanizmlarini takomillashtirish;

Erkin iqtisodiy zonalarda hududiy biznesni rivojlantirish dasturlarini innovatsion loyihalarni amalga oshirish chora-tadbirlari bilan uyg'unlashtirish;

Innovatsion faoliyatni qo'llab-quvvatlash institutlari faoliyatini barcha darajada tarmoqlararo va ijrochi organlar bilan kelishilgan holda amalga oshirishni ta'minlash.

Iqtisodiyotni turli raqobatdosh sohalarida innovatsion mahsulotlarni ishlab chiqarishga xizmat qiluvchi innovatsion klasterlarni tashkil etish va ular faoliyatini rag'batlantirishga alohida e'tibor qaratish lozim. Ushbu yo'nalish innovatsion faoliyatni ilmiy-tadqiqot muassasalari, yirik sanoat korxonalari, moliyaviy tuzilmalar va hukumat organlari bilan klaster bo'g'inlari darajasida kooperatsiya aloqalarini o'rnatish muhim hisoblanadi.

Hozirda faoliyat ko'rsatadigan barcha korxonalarning barqaror rivojlanishida raqobat kurashiga bardosh bera olishi, doimiy mijozlarga ega bo'lishi, o'zining mavqeini saqlab qolishi, ishlab chiqarayotgan tovarlarning bozorga qarab yangi markalarini yaratishi va yuqori foyda olishi uchun marketing uslublaridan foydalanishlari zarur. Chunki bozorda iste'molchining istak va talablarini bilgan va ularga moslashgan korxonalargina muvaffaqiyatga erishadi. Zero, har bir ishlab chiqarish korxonasi respublikamiz xalq xo'jaligining bir bo'g'ini bo'lib ular faoliyatining natijalari esa mamlakatimiz iqtisodiyotiga, xalqimizning farovon turmush kechirishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN THE LEGAL INDUSTRY

Aliyev Azamjon Ayubjon o'g'li
Namangan Engineering Construction Institute
Student, Faculty of Information technology
azamjonaliyev7@gmail.com

Annotation: Artificial Intelligence (AI) is a method of creating computer software think wisely in the related way the intelligent humans think. Artificial intelligence is an incorporated result of machine learning information science, computer vision, evolutionary computation, data mining, and multi-agent systems.

Keywords: Artificial Intelligence, frameworks, technology, computer, information science, eDiscovery,model.

Artificial Intelligence can decrease the work time of an assignment from 3 hours to 3 minutes. The number of repetitive undertakings that should be possible away with AI and the expansion in proficiency and client administrations is unbelievable. Artificial intelligence can likewise colossally affect the lawful retail showcase by giving more prominent reach and bringing down legitimate expenses by encouraging worldwide access and cross-fringe transactions and contracts.

Artificial Intelligence and Law Statistics

Without a doubt, the legal industry is experiencing an innovative revolution. From online legal research stages to modified applications encouraging common tasks, the legal field has made some amazing progress from the convention-bound and work overwhelming legal industry. The legal business is good to go for another upheaval by the presentation of Artificial Intelligence (AI) frameworks. Indian firms have begun putting vigorously in AI frameworks. Yet, the negligible idea of Artificial

Intelligence puzzles the greater part.

As of August 2018 in a report "Law Firm in Transition 2018" by the US reporter Altman Weil that there is no question in regard to the adoption of legal technology among the firms surveyed. It also noted some important insights in the report that the firms are facing the biggest challenge today – changing management. 69% of firms expressed that they feel that the rate of change increasing.

AI trends and updates

Specialists concur that AI will keep on having a significantly more noteworthy effect on business and society in general. Its apparently boundless potential for saving both time and money (other than its cool factor) has officially settled AI as a tangible nearness just expected to venture into different zones with included capacities and scholarly learning. Although still in its earliest stages, there is by all accounts no ceasing the AI train:

Specialists anticipate machines will analyze patients by utilizing distributed information of numerous doctors rather than only one.

Self-governing self-driving vehicles will some time or another be the standard, driven by AI.

Artificial intelligence machines will go up against tasks that are excessively commonplace or hazardous, and perform works unreasonably complex for people to process.

Artificial intelligence will empower disaster response in dangerous circumstances.

Artificial intelligence will keep on mechanizing warehouse activities and distribution centres.

Client service agents will be trained to talk all the more adequately on account of machine-learning calculations.

Publishers and media organizations like CBS and USA Today will utilize AI to transform composed substance into video content with AI video creation.

Most advocates entrusted with settling on acquirement and vital decisions in regards to AI have practically no formal AI preparing or a foundation in information or computer science. That is the reason it's indispensable to distinguish informational indexes first and decide if AI is a need for your law office. It is likewise fundamental that when utilizing AI, you pick the right device for your particular task.

Current applications of AI typically fall into six broad categories

Expectation technology to produce figures of litigation results.

Record computerization to make documents based on information input.

Due diligence to reveal foundation data, utilized in legal research, contract survey and that's only the tip of the iceberg.

Legal investigation to decide patterns and examples from past case law, judge's history and win/misfortune rates.

Intellectual property for breaking down expansive IP portfolios.

Electronic charging for naturally registering billable hours utilizing AI.

Potential Applications of Artificial Intelligence in the Legal Industry

What's useful for our professional lives is that we are beginning to use Artificial Intelligence over a wide range of applications: litigation strategy, legal research, predict legal outcomes, help perform due diligence, self-help online legal services, ediscovery, dispute resolution models, review documents, and contract review and analysis.

Litigation Strategy – Every filing, motion and ruling of the case is recorded in the court dockets, it also contains information on events and outcomes in the litigation. Before the invention of artificial intelligence, the courts typically relied on the institutional or personal experience of a lawyer on a motion. But now based on more data information Artificial intelligence allows much more extensive predictions.

Freshservice – An incorporated stage that mechanizes and tracks contract between your IT support group and outsider sellers.

Legal Research – Legal Research is a way to find effective answers from the data sets. The specific answers of the genuinely well-defined questions reduce legal research in the field of law. It will help to use Artificial Intelligence to improve legal research outcome. Westlaw Answers is an illustration of this method. It can give specific answers to general, well-defined types of legal inquiries- about statutes of limitations or the explicit cause of action.

Predict Legal Outcomes – To make predictions of the legal outcomes by analyzing data on behalf of Artificial Intelligence is more genuine as compared to human beings. The answers to the questions of the clients relating to the predictions, such as, 'can I win the case if I go to the court for trial?' Shall be given by the lawyers with the help of Artificial Intelligence that has accessed the information of the trial by many years.

Help perform due diligence – At the world level in the law offices, the legal help experts are kept busy handling due diligence to uncover background data on behalf of their clients.

Artificial Intelligence instruments can help these legal help experts to conduct their due diligence more proficiently and with more exactness since this work is regularly tedious for humans.

Self-help online legal services – There are some specific legal questions repeat again and again. The automated systems help online services to the client to deliver answers paired with adequately well-defined data sources. The system responds with a definite answer to the clients of their questions, further consultation with a human lawyer if there any suggestion relating to the question.

Numerous law firms are putting resources into this sort of client facing Artificial Intelligence, but at the same time, it's being employed in services offered by different kinds of associations: chatbot providers, legal services associations, courts, and other government substances.

eDiscovery – eDiscovery is the field of legal practice where Artificial Intelligence procedures have gained the most traction. As you know the business tasks are going advanced in all cases, the present associations produce exponentially developing volumes of information – a large portion of it unstructured or semi-organized information as email, composed memoranda and records, spreadsheets, date-books, etc.

Dispute resolution model – Artificial Intelligence uses effectively in dispute resolution model as to applying mind mechanically with already stored data and the pre-planned answers of the data likely to hold.

Review documents – As compared to human beings the machines are much faster to store the documents and analyse that data. Artificial Intelligence powered software enhances the proficiency of document examination for legal use and machines can audit reports and flag them as important to a specific case. When a particular sort of document is signified as applicable, machine learning calculations can get the chance to work to discover different records that are likewise significant.

Contract review and analysis – Many of the law firms review contract on behalf of their clients and identify the risks and issues involved in the contract which impacts negatively on their clients. There are so many contract software created Artificial Intelligence tools specifically for review the contract i.e., Kira Systems, eBrevia and LawGeex etc. which help to draft the contract easily with fewer errors.

Things a legal professional should watch out before using Artificial Intelligence

Advantages

Error Reduction: If artificial intelligence coded properly it would decrease in mistakes as compared to humans.

Repetitive Jobs: In the field of uninterested, repetitive tasks and in many professional type work replace humans.

No Breaks: As compare to humans machines are working for long hours without any break and refreshment.

Digital Assistants: Profoundly created organizations use avatars that are digital assistants who can interface with the clients, along these lines getting a good deal on Human Resources. These avatars don't have feelings and can settle on the correct decision in any circumstances.

Disadvantages

Unemployment: The expanding number of machines prompting joblessness and employer stability issues. As machines are supplanting HR, the rate of individuals losing their jobs will increment.

High dependence on machines: In the present age, the greater part of the general population is profoundly reliant on Applications like Siri. With such a great amount of help from the machine, if people needn't bother with their reasoning capacities, these capacities will be step by step decline. In future with the overwhelming utilization of use of computerized reasoning, a human may turn out to be completely reliant on machines, losing their psychological limits.

Can't feel Compassion and Sympathy: There is no uncertainty that machines are vastly improved with regards to working effectively however they can't supplant the human association that makes the group. Machines can't build up a bond with people.

High costs: For the latest requirements of the software and the hardware need to be a high-cost expenditure.

Conclusion

These applications are helpful for the young lawyer and for the law students to research in an effective manner and in very less time. Surely it is, there are a great deal of focal points appended to the legal taking care of application that will give you a chance to deal with the due dates that are a piece of any claim and include updates which will be consequently added to your logbook, compose client records every one of your customers subtleties will be organized at one place, facilitates communications, documents recovery and the sky is the limit from there.

Reference:

1. Buchanan, Bruce G., "A (very) brief history of artificial intelligence," AI Magazine, volume 26, number 4, winter 2005
2. Bughin, Jacques, and James Manyika, "Bubble or paradigm change?Assessing the global diffusion of enterprise 2.0," in Alex Koohang, Johannes Britz, and Keith Harman, eds., Knowledge management: Research andapplications, Informing Science, 2008
3. Glauner, Patrick, "Large-scale detection of non-technical losses in imbalanced data sets," PhD dissertation, University of Luxembourg, March 2016
4. Hofstadter, Douglas R., Gödel, Escher, Bach: An eternal golden braid, Basic Books, 1979

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОИЛА АНЪАНАЛАРИ

ГАППАРОВ БЕҲЗОД НЕМАТИЛЛАЕВИЧ
Жиззах Политехника Институти катта ўқитувчиси
gapparov1174@mail.ru +99899-556-06-50

Аннотация: Ушбу мақолада жамият яшаб қолиши ва ривожланиши, моддий ва маънавий бойликлар яратилиши учун тарбия кераклиги, чунки тарбия орқали ўтмишнинг моддий ва маънавий бойликларига авлоднинг ворислиги таъминланиши хусусида атрофлича фикрлар ва мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: оила, маҳалла, жамият, таълим, тарбия, маънавият, маърифат, тафаккур, қадрият, урф-одат.

СЕМЕЙНЫЕ ТРАДИЦИИ В ВОСПИТАНИИ РЕБЕНКА

ГАППАРОВ БЕХЗОД НЕМАТИЛЛАЕВИЧ
Старший преподаватель, Джизакского политехнического института
gapparov1174@mail.ru + 99899-556-06-50

Аннотация: В этой статье представлены подробные взгляды на необходимость образования для выживания и развития общества, создания материального и духовного богатства, потому что через образование необходимо обеспечить наследование поколения материальным и духовным богатствам прошлого.

Ключевые слова: семья, сообщество, общество, образование, воспитание, духовность, просвещение, мышление, ценности, традиции.

FAMILY TRADITIONS IN CHILD RAISING

GAPPAROV BEHZOD NEMATILLAEVICH
Senior Lecturer, Jizzakh Polytechnic Institute
gapparov1174@mail.ru + 99899-556-06-50

Annotation: This article provides detailed views on the need for education for the survival and development of society, the creation of material and spiritual wealth, because through education to ensure the inheritance of the generation to the material and spiritual wealth of the past.

Keywords: family, community, society, education, upbringing, spirituality, enlightenment, thinking, values, traditions.

Ўзбек халқ педагогикасининг асоси оилага бориб тақалади. Бола энг аввало, ана шу оилада яхши-ёмонни танийди, катталарнинг гап-сўзларидан, ўзларини тутишларидан, панд-насихатларидан ўргана бошлайди. Жуфт бўлиб яшаш бутун тирик мавжудотга хос табиий ҳолдир. Лекин оила бўлиб яшаш фақат одам наслига хосдир.

Маълумки, жамият оила деган кичик заррадан - тирик вужудлар иттифоқидан ташкил топган. Ҳар бир оила ўзи кичик бир жамият. Жамиятнинг тараққиёти ҳам, инқирози ҳам ана шу кичик иттифоқнинг - оиланинг иқлимига, келажагига боғлиқ. Чунки эр-хотиннинг - икки оламнинг ўзаро иттифоқидан пайдо бўлган учинчи бир олам - оиладир. Агар икки олам тинч бўлса, учинчи олам тинч бўлади. Агар шу уч олам тинч бўлса, жамият ҳам тинч бўлади.

Оила фақат эр-хотиндан эмас, балки уларнинг болалари, энг яқин туғишганларидан иборат кишилар гуруҳидир.

Оила одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлигидир.

Оиланинг иккита асосий вазифаси бор: **биринчиси** - ўз насл-насабини давом эттириш, яъни фарзандни дунёга келтириш, **иккинчи** вазифаси - шу насл давомчиси бўлган фарзандларни муносиб, етук ворислар қилиб тарбиялашдир. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, болани дунёга келтиришдан кўра уни етук одам қилиб тарбиялаш қийинроқдир.

Маълумки, жамият яшаб қолиши ва ривожланиши, моддий ва маънавий бойликлар яратилиши учун тарбия керак. Чунки тарбия орқали ўтмишнинг моддий ва маънавий бойликларига авлоднинг ворислиги таъминланади.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос тарбия усуллари ва воситалари бўлади. Қадимда тарбия ёш авлоднинг кекса авлод тажрибаларини ўзлаштира олишидан иборат бўлган ва у асосан, жисмоний бақувват бўлишга қаратилган.

Тарбиянинг анъанавий ва замонавий турлари ва усуллари кўп. Лекин тарбиянинг асосий турлари иккитадир: **оилавий** ва **ижтимоий** тарбия.

Оила тарбияси - оилада ота-оналар, бобо-бувилар, катта ёшли қариндошлар томонидан болаларни тарбиялашдир.

Оилавий тарбия - оила аъзоларининг бир-бирларига муносабати, ота-она ва катта ёшли қариндошларнинг хулқ-атвори, маданий ва сиёсий савияси, муомала маданияти, оиланинг даромади, яшаш шароити ва бошқа омиллардир.

Халқ педагогикасида асосий эътибор анъанавий тарбия, оила муҳитидаги тарбияга қаратилган. Чунки бола туғилганидан оила муҳитида яшайди. Шу оилага хос бўлган анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар боланинг маънавий дунёсига сингади. Оила жамиятнинг бир бўлаги. Демак, оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис қилади. Шунинг учун жамият фарзандлар хулқ-атворига қараб ота-оналарга баҳо беради. Фарзанд тарбияси ниҳоятда эрта-туғилгандан бошланмоғи керак.

Оилавий ҳаёт ва оилавий тарбия ўзининг миллий хусусиятларига ҳам эгадир. Ўзбекистон шароитида оилавий тарбиянинг ўзига хос томонлари борки, буни эътироф этмасдан илож йўқ. Ўзбек халқининг фақат ўзига хос анъаналарининг ўзи оилавий тарбиядир.

Ўзбек оилаларининг ўзига хос хусусиятлари, анъаналари қуйидагилар:

1. **Кўп болалик.** Бу ўзбек оилаларига хосдир. Педагогик жиҳатдан олганда кўп болалик оилаларда ота-оналар болалар учун яққол намуна бўлиб хизмат қилади. Халқимиз “Болали уй - бозор, боласиз уй – мозор” деб бежиз айтмаган, албатта. Халқимиз ўзидан кейин насл қолдирмасликни қоралайди ва бу ҳақда “Эркак номига эга бўлиш учун уч қоида амалга ошиши лозим эканини катъий таъкидлайди. Булар: **уйланиш, фарзандли бўлиш ва уй қура олишдир**”, - деган ақидага амал қилишади.

Умуман, ўзбекларда оила тарбиясига жуда юқори баҳо берилади: “қуш уясида кўрганини қилади”, “қазисан - қартасан, асли наслингга тортасан” каби мақоллар фикримизга далил бўла олади.

2. Маълумки, бола мактабга келгунга қадар ҳам, мактабда ўқиш даврида ҳам, асосан оилада тарбияланади.

Азалдан ўзбек халқида оила муқаддас ҳисобланган. У аввало, **никоҳ** билан мустаҳкамланган. Никоҳсиз оила муқаддас ва қонуний ҳисобланмаган, балки аҳлоқсизлик саналган.

3. Қадимий муқаддас китобимиз, **“Авесто”** ақидаларига кўра қариндошларнинг ўзаро оила қуриши маън қилинади. қавм ва уруғ қонини тоза сақлаш, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинади.

4. Ислом динининг муқаддас китоби “Қуръони Карим”да айтилганидек, аввало, Аллоҳнинг ўзигагина ибодат қилинади, сўнгра бевосита **ота-она розилиги** муқаддас ва қонуний ҳисобланади. Ота-она билан мулоқотда фарзанд беш нарсани билиши керак:

1) Ота-оналари қаттиқ-қуруқ гапириб юборганда ҳам, уларга малол келиб, “уфф” демаслик;

2) Ота-онани ҳафа қиладиган сўз сўзламаслик;

3) Ота-онага доим эҳтиром билан яхши сўзларни сўзлаш;

4) Ота-онага доим раҳм-шафқатда бўлиш, ўзини камтар тутиш;

5) Ота-оналарга Аллоҳдан раҳмат тилаб дуо қилишлари.

5. Ота-оналар болани дунёга келтиришга сабаб бўлганликлари учун эмас, балки уни одобли, ҳаёли, аҳлоқли қилиб **вояга етказганликлари учун** олқишга сазовордирлар. Зеро, Пайғамбаримиз: “Киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди”, [1] - дейдилар.

6. Тарбияда **катталар намунаси**, ибрати, **аждодлар тажрибаси** алоҳида аҳамиятга эга:

Кекса кишининг сўзин эшитгин нима дейди,
Кексалар сўзи-йигитлар кўзидир.

Шунинг учун ҳам халқ орасида “Қари билганни пари билмас”, “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Оталар сўзи - ақлнинг кўзи” каби ҳикматлар машҳур.

7. Ўзбек халқида азалдан **ота оила бошлиғи** ҳисобланган ва унинг ҳурмати беқиёс хисобланиб, оилада охирги ҳукм ота сўзи бўлган. Шунинг учун ҳам доно халқимиз: “Ота рози-худо рози” ақидасига амал қилган ва ота ҳукмини, розилигини муқаддас санаган. Оналар ота норозилигидан, қарғишидан, фарзандларини жонини ҳовучлаб, жуда эҳтиётлик билан асрашган. Болалар ҳам буни яхши тушинишган.

Ота оилани моддий жиҳатдан таъминловчи, унинг шаънини ҳимоя қилувчидир. Унда отанинг ўз ўрни бўлган, яъни уйнинг тўрида. Дастурхон ёзилганда ҳам биринчи бўлиб ота, кейин қолганлар қўл чўзишган.

8. **Ўғил болалар тарбияси** билан асосан **ота** шуғилланган. Ота болани оёққа турғазиш, ҳунарли қилиш учун бурчлидир. У ўғлининг келажаги, тақдири учун масъулдир. Ўғил болалар ёшликдан ҳунарга, меҳнатга ўргатилган. “Ҳунарли киши хор бўлмас”, “Йигит кишига қирқ ҳунар оз”, - деган халқимиз.

Йигитлар **жисмоний машқларга, мерганликка, қиличбозликка** ўргатилган. Чунки оилани, Ватанни ҳимоя қилиш йигитлар зиммасида бўлган.

9. **Қизлар тарбияси** учун **оналар** масъул ҳисобланган.

Қизларни она келажакка, оилавий ҳаётга тайёрлаган. қизлар ёшликдан уй-рўзғор ишларига, меҳнатга, саранжом-саришталикка, пазандалик, чеварлик, каштадўзлик, гилам тўқишга, одобга ўргатилган. Шунинг учун ҳам халқимиз: “Сепли қиз бўлгунча, эпли қиз бўл”, “Онасини кўр - қизини ол, арқоғини кўр- бўзини ол”, - деган. қизларнинг

одоб-ахлоқи, ҳаё-иффати, эрига садоқати, ҳурмати қиз боланинг эри уйига олиб борадиган энг ноёб сепи ҳисобланган.

10. Оиладаги оғир ишларни эркаклар бажаришлари ва **аёлларни асраши** бу ҳам анъана.

Эркакларнинг аёлларни асраши бу эркакларнинг ожизлиги эмас, балки эркакларнинг ўзини кучли, бақувват ҳисоблаб, нозик, заиф зотларга ёрдам қўлини чўзишидир. Ўтмишда аёлларимиз уйда эркак киши бўлмаса, челак кўтариб кўчага чиқишмаган. Бўш челакни дарвоза ташқарисига қўйишган. Кўчадан ўтган биринчи йўловчи бўш челакни олиб, сув тўлдириб келтириб қўйган. Эрлар ҳомиладор хотинларни аяган, унинг кўнглига қараган, кўнгли тусаган нарсани келтириб берган. Чунки бола соғлиги ҳақида у туғилмасданоқ қайғуришган.

11. Ўзбек оилаларида **эрталаб барвақт туриш** одатдир.

Чунки ризқ-рўз тонгда улашилади. Кимки ғафлат босиб, ўринда ётаверса, рисқдан қуруқ қолади, дейилади. Барвақт турилса, ўша куни иш, ўқиш унумли бўлади. Бундан ташқари тонгги ҳаво тоза ва мусаффо, кишининг соғлиги учун фойдали. Барвақт турилганда, кайфият ҳам тетик бўлади.

12. **Юз қўлни ювмасдан** туриб, эрталаб ҳеч ким билан **саломлашилмайди,** ҳол-аҳвол сўралмайди. Биринчи бўлиб ёши кичиклар катталарга салом беради. Аёллар нонушта тайёрлайдилар, қизлар, келинлар эрта туриб ҳовлини, кўчани сув сепиб супуришади.

13. Ишга ёки ўқишга оиланинг ёши улуғларидан **фотиҳа олиб** кетилади, қайтишда яна уларга учрашиб саломлашилади, ҳол-аҳвол сўралади. Улар ёшларни **дуо** қиладилар. Шунинг учун ҳам одам чарчаганда, сиқилганда ёки хурсанд бўлганда ўз уйига шошилади.

14. Ўзбекча одоб ва одатга кўра катталар ёшларга, қизларга, келинлар, умуман, ёши кичиклар катталарга **очиқ-сочиқ ҳолда кўринмайдилар**. Уларнинг олдида бачкана қилиқлар қилмайдилар, пардасиз сўзлар айтмайдилар. Сизсираш ҳурмат белгиси ҳисобланади.

15. Ўзбеклар **меҳмондўст** халқ. Улар меҳмонни жуда улуғлашади ва “Меҳмон отангдек улуғ” ақидасига амал қилинади. Биров сўраб келганда, кўча эшик олдида уларни маҳтал қилиб қўймай, уйга таклиф этишади. Меҳмон кутилганда болалар озода кийинтирилади. Меҳмон бор вақтда болалар уришилмайди, паст овозда, мулойим гапирилади. Ҳовли-жой, уйлар тозаланади, энг яхши кўрпачалар солиниб, энг яхши буюмлар ишлатилади. Супурги каби нарсалар кўздан четга олиб қўйилади.

16. Келинлар, хотинлар томонидан **эрининг уруғи** ниҳоятда **эъзозланади**, ҳатто отлари ҳам айтилмайди.

Ҳикоя қилишларича, Япониядан келган меҳмон Ғаллаорол туманидан ўтаётганида, кузатувчиларга тўғри келган хонадонга кириб ўзбек оилаларининг яшаш тарзлари билан танишмоқчи эканлигини айтади. Тўғри келган ҳовлига бориб, эшик тақиллатишади. Эшик олдига ёш келин келиб, эгилиб салом беради, уйга таклиф этади. Уйда ҳеч ким йўқлигини айтади, қимтиниб. Бу кимнинг ҳовлиси деб, қайнотасининг исмини сўрашади. Келин жим қолади. Ахийри бориб қўшнисини чақириб келади. Меҳмон ҳайрон бўлади. Маълум бўлишича, ўзбек одатига кўра келин қайнотасининг исмини айтмаган экан. Саволга қўшни аёл жавоб беради. Буни эшитган япониялик

меҳмон келинга таъзим қилиб, раҳмат айтади. “Бундай гўзал одатларингиз учун ўзбек халқига эҳтиром ила таъзим қиламан”, - дейди ҳайрат билан.

17. Эркаги йўқ уйга **эркак меҳмон** кирмайди. Кўчага **уй кийими**да чиқилмайди.

18. Ота-она оиланинг **кенжа ўғли** билан қолишади. Уй-жой, бойлик кенжа ўғилга мерос қолади.

19. **Янги келинлар** 2-3 болали бўлгунча қайнота-қайнонанинг олдида гапиришмайди. Ўғил ота-онасининг олдида боласини суйиб, эркаламайди.

20. Ўзбек оилалари **тузилишига кўра мураккаб**. Унда ота-онадан ташқари бобо, буви, амаки, амма каби қариндошлар ҳам бўлади. Улар бир оилада яшашади. Ким ёши улуғ бўлса, у оила бошлиғи бўлади. Ўзбек оилаларида **“мен”** тушунчаси **“биз”**га айланган бўлади [2].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбек педагогикаси тарихи. Тошкент-1997 йил, 27-бет.
2. Б.Н.Гаппаров ва бошқалар. “Халқ педагогикаси”. Тошкент. 2009 йил. Тафаккур нашриёти. Ўқув қўлланма.

IMPROVING THE CREATIVE ABILITIES OF STUDENTS OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Solidjonov Dilyorjon
2nd year student Kokand University

Abstract: Nowadays, students and leaners are getting more clever and smarter that we know. So, Teachers also should be creative and fashionable to teach them. There are given information about improving the creative abilities of students of higher education institution in this article. A number of new methods and ideas are expressed to develop creating skills.

Keyword: the creative abilities, knowledge, challenges, education, students, higher education institution.

6.Develop a strategy. Monitoring the perception of the Uzbek brand within national branding The strong and weak survivors, the existing basic stereotypes about the perception of the image of the country and local business have been identified.

The socio-economic policy pursued in the country, the investment climate, the perception of the situation of local enterprises are analyzed.

Monitoring the perception of the Uzbek brand in the country and abroad is based on studying the views of the target audience and analyzing articles in the media.

The monitoring results will form the basis of the strategy for the development of the national brand and its further development.

References:

1. Message from the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. January 24, 2020 - People's Show, January 26, 2020
2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 No. PF-4947 "On the Strategy of Actions for the Further Development of the Republic of Uzbekistan".
3. Fundamentals, 5th European Edition. Textbook. - M .: LLC "I.D. Williams ", 2013. - 752 p.
4. Soliev A., Vuzrukhonov S. Marketing, market science. Textbook. - T .: Iktisod-Moliya, 2010 .-- 424 p.
5. Ergashkhodzhaeva Sh.Yu., Kosimova M.S., Yusupov M.A. Marketing. Textbook. - T.: TDIU, 2011 .-- 202 p.
6. Khamraeva S.N. Innovative development of rural infrastructure.
7. Monograph - Tashkent: 2017 - 73 p.
8. Aaker D., et al. Marketing research. Ed. 7th. Per. s angl / Pod red. S. Bozhuk. - SPb.: Peter, 2004, - 848 p.
9. Aksunova G.N. Marketing. - T., 2005 .-- 463 p.
10. Bagiev G.L., Tarasevich V.M., Ann X. Marketing: 3rd ed. / Under total. ed. G.L. Bagieva. - SPb.: Peter, 2006, - 736 p.
11. Basovsky L.E. Marketing: Course Lecture. - M .: INFRA-M, 2010 .-- 219 p.
12. Boyuk S.G., Kovalik L.N. Marketing research, - St. Petersburg: Peter, 2004. - 461 p.
13. Bronnikova T.S. Marketing: theory, practice: textbook / T.S. Bronnikov - 2nd ed., Revised. and add. - M .: KNORUS, 2010 .-- 208 p.
14. Gerasimov B.I., Mozgov N.N. Marketing research of the market: textbook / B.I. Gerasimov, N. Mozgov. - M .: FORUM, 2009 .-- 336 p.: Ill.
15. E.P. Golubkov Marketing research: theory, methodology and practice. / 2nd rev. and add. - M .: Finpress, 2003 .-- 496 p.
16. E.P. Golubkov Fundamentals of Marketing. 2nd revised and add. - M .: Finpress, 2003 .-- 688 p.
17. Grigoriev M.N. Marketing. - M .: Gardariki, 2006, - 366 p.
18. Zavyalov P.S. Marketing in diagrams, figures, tables: Tutorial. - M .: INFRA-M, 2006, - 496 p.
19. Ibragimov R.G. Marketing. Durslick, T .: "Shark", 2002
20. Calca Regine. Marketing / Regine Kalka, Andrea Messen; (translated from German by M.V. Lapshinov). - 3rd ed., Ster. - M .: SmartBook, 2010 .-- 126 p.: Ill.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМЛАРИНИНГ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

А.А Саттаров[1], И.И.Вахабов[2]

[1]Илмий рахбар, т.ф.н, [2]Магистратура талабаси, майлқ-1 гурух (ТДТрУ)

Аннотация: Биз бутун транспорт соҳаси олдида яшаётган дунёнинг узлуксиз ривожланиши доимо чексиз ва тезкор ривожланишни талаб қилмоқда.Ушбу мақоламда, ҳозирги тендентсиялар ва Интеллектуал транспорт тизими (ИТТ) нинг автомобилларда қўлланилиши ва инфратузилма муҳокама қилинади ва кўриб чиқилади.

Мослашиш тизимининг ишлатилиши светофор бошқарувчиларининг маълумот ўтказиш хусусиятини оширади.Замонавий бошқариш мосламаларининг хотирасида 64 ва ундан кўп дастур сақланади, улар турли алоқа воситалари билан, шунингдек, симсиз алоқа билан ҳам автоматик ишга туширилади, қўшимча воситалар жалб қилинади: ўзгарувчан маълумот таблоси, транспорт ўтишига устунлик берадиган комплекслар ва ҳк.Алоқа линиясининг ишончлигини ҳисобга олиб маҳаллий (назоратчи) ва марказий ҳисоблаш имкониятларини бирлаштириш оптимал бўлади. Шунинг учун замонавий АЙҲБТ да бир-бирига бўйсунадиган тўртта даража бўлади: марказ, зона (сектор), гуруҳ (туман), нуқта.

Калит сўзлар: Интеллектуал транспорт тизими (ИТТ), йўл телематикаси, ақлли инфратузилма, ақлли транспорт воситалари.

КИРИШ

Ишлатиладиган дастурий таъминот имконияти АЙҲБТ хусусиятига таъсир қилади, шунинг учун шаҳарда унинг тўғриланадиган, кенгаядиган ва янгиланадиган турларини ишлатиш тўғри бўлади. Мисол учун АЙҲБТ дастурий таъминотининг қўшимча вазифаларидан бири КЙТ тўлганини, ТҲ ҳақидаги маълумот асосида ундаги ўртача ҳаракат тезлигини ҳисоблаш, кўрсатиш, светофорли объектлар иш тартибини маълум қилиб туриш бўлади. Айнан шу маълумот ҳаракат иштирокчиларига етказилади, натижада йўл тўлалигига қараб транспорт оқими бошқа йўналишларга тақсимланади. Автомобил ичидаги ахборот тизимлари (ИВИС) ва йўл бўйидаги телематик (РТ) қўллашни кўриб чиқамиз. Автоматлаштирилган йўл ҳаракатини бошқариш тизими (АЙҲБТ) ҳозирги замон амалиётида истеъмолчилар манфаати учун кўча ва йўллар тармоғидан имкон қадар самарали фойдаланиш мақсадида, қуйидаги даражаларда ишлатилади:

Адабиётлар тахлили ва Методология

шахсий, жамоат ва тижорат транспортидан фойдаланувчилар (иқтисодий самара);[1]

ҳудуд (иқтисодий ва ижтимоий самара); жамият учун (иқтисодий рақамлар билан кўрсатиладиган экологик самара).[1]

АЙҲБТ жорий қилиниши харажатли ва кўп меҳнат талаб қилгани учун тузиладиган тизим самараси батафсил ўрганилади.[1]

Биринчи даражадаги истеъмолчилар учун самараси – киши соати ва машина соати йўқолиши камаяди, ишлаб чиқариш самараси ошади.[1]

Ҳудуд учун самараси, турли хизматлар иши самарадорлиги ошгани учун давлат даромади ошади. Шу билан бирга АЙҲБТ фойдаланувчиларга таклиф этиладиган хизматлар сифатини оширади, билвосита ижтимоий фойда кўпаяди.[1]

Экологик самараси эса ҳавога чиқадиган зарарли моддалар камайиши, шовқин камайиши, айниқса, шаҳарларда шовқин камайиши ҳисобига бўлади.[1]

Самараси рақамларда кўрсатилиши керак бўлгани учун тежалган вақтнинг пулдаги кўрсатгичи ва бу масаланинг ҳал қилиниши транспорт иқтисодиётига билвосита алоқадор: Албатта, тежалган вақт бирлиги баҳоси, АЙҲБТ татбиқ қилинган ҳудудга, календар вақти, транспорт тури, транспорт хизматининг вазифаси ва бошқа омилларга қараб фарқ қилади.[2]

ИТТ технологияси билан жиҳозланган автомобиллар ҳар қандай автомобиль яқинлашиш хавфини олдиндан башорат қилишга қодир ва шунинг учун реакция вақтини қисқартиради, бу эса ўз навбатида ҳаракат хавфсизлигини оширади ва йўл-транспорт ҳодисаларини камайишига олиб келади. Бинобарин такомиллаштирилган ИТТ ечимларини қўллаш транспорт шароитларини яхшилашга сезиларли ҳисса қўшади ва хавфсизлиги таминланади, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлайди.[2]

Автомобилда ИТТ ва инфратузилма бўйича. ИТТ-нинг энг кенг тарқалган қўлланилишларидан бири бу тўқнашувдан олдин дарҳол ҳаво ёстиғи бўлганлиги, ИТТ дастурлари тобора турли хил функционал қўлланмаларда қўлланилмоқда.[3]

Булар Бортда жойлашган ИТТ камида тўрт функцияни амалга оширади:

- йўл ҳаракати ҳолатини кўздан кечиришда ҳайдовчига ёрдам бериш;

- уни хавфли вазиятни олдини олиш учун чоралар кўришга ундаш;

- ҳайдовчининг чарчоқларини қисқартириш автомобилни ҳайдашнинг бир оз юкини ўзига олиш;[1]

-ҳайдовчининг ўзи аварияга йўл қўймаслик учун зарурий чораларни кўрмаса, ёки унинг оқибатларининг оғирлигини камайтиролмаса, автоматик равишда бошқаришни назорат остига олиш.[3]



1-расм. Ақлли инфратузилма ва ҳаракатланаётган транспорт воситалари ўртасидаги алоқа схемаси.

Натижалар

АЙҲБТ татбиқ қилинишининг самарасини билишимиз мумкин:

-АЙҲБТ билан бирлашган йўловчиларга маълумот бериш тизими (Хелсинки, Финляндия) умумий туриб қолишлар вақтини 44-48%, йўлдаги умумий вақтни 11%,

вақт йўқотилишини эса йилига 35800-67000 киши соатга камайтириш имконини берди;

- Светофор объектлари бошқарилишининг мослашувчи тизимини ишлатиш (Лос Анжелес, АҚШ) умумий транспортлар тўхтаб қолишини 28-41% камайтирди;

- Жамоат транспортига устунлик бериш тизими (Саусхемптон, Буюк Британия) автобуслар ёқилғи сарфини 13% камайтирди, шунинг ҳисобига ҳавога зарарли газлар чиқиши 15% камайди.

Муҳокама

ИТТ дастурида максимал фойда олиш учун ақлли воситани максимал даражада ошириш керак. Тизимларни тегишли технологик тузилмалар орқали маълумотларни узатиши ва қабул қилиши керак бўлади.

Маълумотларни узатиш уч даражада булар транспорт воситаси датчиклар орқали автомагистрал инфратузилмасидан олинган маълумотлар, детекторлар ва бошқариш тизимлари, автомагистрал инфратузилмаси, шунингдек, қабул қилувчи транспорт воситасидан маълумот олади ва қабул қилувчи транспорт воситаси ва инфратузилма ўртасидаги маълумотлар юборилади ва якуний тузатилади ва қарор қабул қилинади.

Хулоса

Ушбу мақоламда ИТТнинг афзалликлари, муаммолари ва келажакда эксплуатациясияа қилиш билан якунланади. Яхшиланган ва такомиллаштирилган телематик технологияларни доимий равишда қўллаш, қўлланилган жойда жуда катта фойда келтиради.

ИТТ-дан фойдаланиш йўллардан маълумот олишни ҳар хил йўллар билан яхшилайди, масалан, автоҳалокатлар маълумоти , ҳайдовчилар ҳақида маълумот олиш, йўл шароити ҳақида малумот.

Барқарор ИТТда карбонат ангидрид чиқиндиларини камайтиришга имкон беради.ИТТнинг амалдаги дастурлари йўловчи ва ҳайдовчиларнинг ҳавфсизлиги ва ишончини янада кучайтирилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1 т.ф.д, проф. И.С.Содиқов, т.ф.н., проф., К.Х.Азизов, т.ф.н., доц.А.Х.Ўроқов «Автомобиль йўлларини ободонлаштириш ва жиҳозлаш». Дарслик, 2018 й. 367 бет.

2 Қ.Х.Азизов. Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари. –Т«Fан va texnologiya», 2009, 245 бет.

3 A.B. Nkoro and Y.A. Vershinin Member, IEEE Current and Future Trends in Applications of Intelligent Transport Systems on Cars and Infrastructure

МИЛЛИЙ ҒОЯ ТИЗИМИНИНГ ИНСОН ДУНЁҚАРАШИ БИЛФН АЛОҚАДОРЛИГИ

Матчанова Барно Иркиновна
Ўзбекистон миллий университети тадқиқотчиси
sapayev-2017@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада миллий ғояни тизим сифатида ишлашида муҳим омиллардан, шунингдек бу тизимнинг элементларидан бири бўлган инсон дунёқараши билан алоқадорлиги масалалари назарий-методологик жиҳатдан кўриб чиқилган. Ҳамда соҳа мутахассисларини бу бўйича ёндашувлари таҳлил қилинган. Шунингдек, хулоса қисмида муаллифнинг мавзуга доир фикр-мулоҳазалари келтирилади.

Калит сўзлар: миллий ғоя, тизим, элемент, дунёқараш, фикр, мулоҳаза, онг, тафаккур, тараққиёт, ислоҳот, ижтимоий ҳаёт соҳалари.

КИРИШ

Миллий ғоя – халқнинг орзу-интилишларини, мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этадиган, инсонлар ҳаётида аҳамиятли бўлган, ўзининг мураккаб тузилиши эътиборли тизимни ташкил қилиб, элементлар ўзаро алоқадорлигининг кучайиши натижасида инсонлар онги ва тафаккури ўзгаришига таъсир қилиб борадиган бир тизимдир. Айнан шу тизим бугунги чуқур ислоҳотлар амалга оширилаётган бир даврда жамият тараққиётининг ғоявий-мафкуравий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз”[1]. Миллий ғоя инсоннинг ишонч-эътиқодига айланишида бу тизимининг бир элементи бўлган инсон онги муҳим аҳамиятга эга. Айнан инсон онги ва тафаккурининг ўзи ҳам тизим ичидаги бир тузилма сифатида қаралса, ўзида кўплаб элементларни мужассамлаштирганини эътироф этиб ўтиш лозим. Айнан инсон онги ва тафаккури тизим ичидаги бир тузилма сифатида қуйидаги элементларни қамраб олади : а)мақсад; б)манфаат; д)хулқ-атвор; э)тафаккур; ф)салоҳият; г)руҳият; ҳ)фикр; и)тасаввур; ж)ўй; к)қараш; л)муносабат; м)дунёқараш; н)идрок; о)фараз; п)ўй; қ) ҳаёлдан иборат бўлади. Бу элементлар ичида дунёқараш муҳим бир аҳамиятга эга. Чунки, айнан миллий ғояга бўлган ишонч, инсонни онги ва тафаккурини ўзгариши ва миллий ғоя илгари сурган мақсадларни англаб етиш билан боғлиқ бўлса, онг ва тафаккурнинг ўзгариши инсонларда дунёқараш ўзгариб, эртанги кунга ишонч ортиб боришига хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Дунёқараш инсондаги шундай руҳий-психологик ҳусусиятки, у инсонни ва оламни зарурий тарзда англашни ифодалайди. Инсон онгининг бир элементи сифатида дунёқараш ўз тузилмасига эга бўлиб, англаш, тушуниш, билиш, натижасида юзага келган баҳолар тизими сифатида пайдо бўлади.

Инсон дунёқараши инсонни миллий ғоя билан боғлайдиган асосий воситадир. Чунки, инсон миллий ғояни моҳияти, уни нималарга қаратилган эканлиги, унда илгари сурилган мақсад-муддаоларни амалга оширишда асосий механизмларини тўла тушуниб олиши учун унинг дунёқарашида яхлит тушуниш ҳосил бўлиши керак. Нега деганда, дунёқараш аслида, дунёнинг инсон онгида ўзига хос инъикоси ҳисобланади[2].

НАТИЖА

Инсон миллий ғоянинг асосий негизлари бўлмиш миллий маънавий мерос ва умуминсоний қадриятларни англаб етиши ҳам дунёқараш билан бевосита алоқадор. Инсон ўз дунёқараши орқали ўзини ва дунёни англаб етиши мумкин. Бунда ўзини англаган инсон ўзини қандай қадрятларга таянган ҳолда яшаши, ҳаётининг мазмуни ва дунё билан ўзини алоқасида қандай қонуниятларга амал қилиши лозимлигини тушуниб боради ва шу орқали халқни бир вакили сифатида миллийлик нуқтаи назаридан аҳамиятга эга бўлган қадрятлар ва умуминсоний принципларни моҳиятини англай боради. Инсон дунёқараши шакллана борган сари миллий ғояга шунча яқинлаша боради. Чунки, дунёқараш инсоннинг ўзига ва уни қуршаб турган борлиққа бўлган муносабатларини ифодалайдиган муайян кўникмалари, малакалари, билимлари, ҳамда дунёни амалий ва назарий ўзлаштириши ҳамдир.

МУҲОКАМА

Миллий ғоя инсон онги ва тафаккурини ўзгаришига таъсири ҳам аввало, дунёқараш замирида содир бўлади. Чунки, дунёқараш инсоннинг дунёни сезиши, идрок этиши, тасаввур қилиши, тушунишидан тортиб, унинг дунёдаги ўз ўрни ва ролини белгилашига бевосита таъсир қилиб боради.

Дунёқарашни миллий ғоя тизими билан алоқадорлигини белгилаб берадиган яна бир муҳим омил- бу унинг ижтимоий-тарихий характерга эга эканлигидир. Бунда ҳар бир даврнинг дунёқараши шаклланади ва шу давр ғоялари, мафкураларида акс этиб боради ва ўз навбатида бу ғоя ва мафкуралар инсон дунёқарашида ҳам акс этиши мумкин. Масалан, Мустабид тузум даврида “Турмуш ва ижтимоий борлиқ онгни белгилайди” деган тамойил асосида шакланган инсон дунёқараши шу давр ижтимоий-иқтисодий муносабатларига, ижтимоий ҳаёт соҳаларига таъсир қилган бўлса мустақиллик даврида бу тамойилни бир томонламалиги, “Инсон онги ва тафаккури турмушни белгилаши” жиҳатлари ҳам мавжуд эканлиги доирасида ва шу тамойил асосида инсонда дунёқараш шаклланмоқда.

Инсон онги ва тафаккурини бир элементи сифатида дунёқараш инсонни ўзлигини англашида муҳим аҳамиятга эга. Айнан дунёқарашнинг мана шу жиҳати миллий ғояни тизим сифатида фаолият олиб бориши, ҳамда инсонни эътиқоди даражасига кўтарилишида таъсир қилади. Чунки, “инсон онги нафақат воқелик объектларига, балки жамият қадрятларига муносабатни, ўз-ўзига муносабатни ҳам ўз-ўзини англашни ҳам ўз ичига олади”[3].

Миллий ғоя тизими суянган миллий маънавий мерос ҳам дунёқараш шаклланишида бевосита таъсир қилади. Чунки, маънавий мерос ўз навбатида аждодлар дунёқарашини, дунёни англагани натижаси сифатида бизга намоён бўлади. Бунда ривожланиш ва тадрижийлик қонуниятига кўра юксак дунёқараш юксак асосларга эга бўлган меросни пайдо қилади. Бу негизларга таяниб халқнинг миллий ғояси ҳам умуминсоний тан олинган принципларга жавоб берадиган тизим шаклида ишлай оладиган ғояга айланади[4].

ХУЛОСА

Демак, дунёқараш инсоннинг дунёни ва ўз-ўзини англаши йўлидаги бир бутун қарашларининг йиғиндиси бўлиб, у жамият ривожланиб бориши билан инсоннинг

амалий ва назарий билиш фаолияти натижасида такомиллашиб боради. Дунёқараш элементларида борлиқнинг оддий ҳиссий ва аклий инъикоси сифатида ҳосил бўлган сезги, идрок ва тасаввурлардан тортиб, назарий тафаккурда мантиқий жиҳатдан қайта ишланиб ҳосил бўлган мифологик, диний, фалсафий, сиёсий, хуқуқий, ахлоқий, эстетик, бадиий ва илмий билимлар, нуқтаи назарлар, ишонч ва эътиқодларнинг барчаси киради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М, Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари, - Т.: Ўзбекистон, 2020, 4-жилд, 10-бет
2. Каримов.И.А Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3 – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – Б.34
3. Фалсафа қомусий луғат, - Т.: Шарқ, 2004. 90-бет
4. Каримов И. А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б. 489.

ТАЛАБА- ЁШЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ БУРЧИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИНИНГ МУХИМ ОМИЛИ.

Султанов Оғабек
ЎзМУ магистранти
Sultan.aga3721@bk.ru
Тел.+998(93)360-37-21.

Аннотация: Мақолада олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг келгусида нафақат етук мутахассис, балки ўз она юртини севувчи фаол фуқаро сифатида тайёрлаш, уларнинг ватанпарварлигини ривожлантириш жамиятимиз, миллатимизнинг ҳар қандай хавф ва таҳдидларга бардош бера олишини таъминлаши масалалари очиб берилган.

Калит сўзлар: олий таълим, ахлоқий фазилатлар, Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ, юксак маънавиятли шахс, ҳислатлар ва иллатлар.

КИРИШ

Олий таълим тизимида бурчнинг бўлиши аҳамиятлими ёки бурчнинг вазифаси нимада деб савол берадиган бўлсак қуйидагиларни таъкидлаш лозим. Европанинг бир неча университетлари томонидан Олий таълимдан кейин талабалар ишга киришидаги муоммолар ўрганилиб чиқилди.2010-йилда Кёлн университетининг олимлари Хеқман ва Қаутз тадқиқот олиб борди.Тадқиқот натижаларига кўра билим диплом умуман рўл ўйнамаслиги ишга кириш жараёнида ундан кўпинча шахсий қобилияти ва кўникма,итоаткорлик мувафаққият сари бошлаган.Бу бўйича 25 йил давомида изланишлар олиб борилган. Иш берувчилар ва битирувчилар ўртасидаги йиллик миллий сўровларда 2015-йил қатнашувчиларнинг 80 фоизи олий маълумотли ва ётакчилик қобилиятига егалиги аниқланган.Яна бир тадқиқот 2013-йилда ўтказилади.Охирги натижалар шуни кўрсатадики университетни битирган талабаларнинг барчасида керакли бўлган коникмалар умуман бўлмаган.Бундан шуни тушуниш мумкинки, олий таълим талабаларга фақат керакли бўлган билимларни беради аммо иш топиш хар бир инсоннинг ўзига боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бурч одамнинг олдига қўйган мақсадини амалга оширишда қатъият билан давом эттириши учун кўмаклашади. Бунинг учун албатта унда бурчдан ташқари қуйидаги ахлоқий хусусиятлар бўлиши керак:

Биринчидан ахлоқий фазилатлар. Фазилатлар деганда биз инсоннинг ҳаёлида ва фаолиятида яхшиликни ният қилишидир. Шу ўринда ҳар соҳада тўғри ўйлаб, ақлга таяниб иш кўришдан иборат ҳам ҳисобланади.

Маъсулият бу ҳозирги вақтга келиб ҳамманинг диққат марказига айланиниб қолган ижобий ҳислатдир. Маъсулият билан ишлаш инсонда ўз ишининг қийинчиликларини осонгина енгиб ўтишга ёрдам беради.

Зеҳн ва идрок.

Бу ҳақида маърифатпарвар шоир ва ёзувчимиз Абдулла Авлонийнинг ”Туркий Гулистон ёҳуд ахлоқ” китобида яхши таъриф берилган.Таърифга кўра “Идрок ва зако деб очуқ фикрли, хуштабиат, зийрак бўлмакни айтилур. Идрок ва зако яхши хулқларнинг разваи ризвони, ибрат кўзларининг нури раҳмонийсидир.Илму маърифат

соҳиби бўлмоқ учун саъй ва ғайрат керак ўлдиғи каби зеҳн ва идрокнинг ҳам саломат бўлмоғи шартдур[1].

Бурчнинг инсон ҳаётидаги роли ҳақида гап кетганда албатта бу тушунча ўзининг қалбида ўз ишининг нақадар улуғлигини, натижаси эса ўзи ва бошқаларга ҳам наф келтиришини назарда тутади.Буюк файласуф Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида қуйидагича фикрлар орқали ҳокимлардаги ҳислатлар ва иллатлар тилга олинади.”Ҳокимлар, асл олижаноб оқсоқоллар сингари улуғвор ёшда ва ҳаётий тажрибага эга болишлари керак.Ишда бунга қанчалик риоя қилинса, шунчалик тўғри бўлади. Агар ҳокимлар тарбиясиз бўлсалар, Афлотунинг фикрича, у ҳолда уларнинг ишлари ҳам,фуқароларнинг ишлари ҳам инқирозга юз тутади. У мисол тариқасида юнон ҳокимлари ҳақида гапиради. Агар улар илм егаси бўлмаганларида қўл остидагиларнинг ва ўзларининг ишларини барбод этиб, шаҳарларни ҳалокатга учратган бўлардилар”[2].

Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги салоҳиятли университетлар томонидан ишлаб чиқилган ва кўплаб давлатлар олий таълим муассасалари томонидан тан олинган талабалар интеллектуал салоҳиятини белгилаш мезонларида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади.

-талабанинг аналитик фикрлаши

-талабанинг танқидий фикрлаши

-талабанинг синтез қила олиш лаёқати

-талабанинг креатив фикрлаши

- талабанинг муаммони ечиш кўникмаси[3].

Ушбу мезонлар орқали бўлажак кадрларнинг интеллектуал савияси аниқланади ва юқори салоҳиятга эга мутахассислар сифатида баҳоланади. Талабалар интеллектуал маданияти тушунчасининг таркибий қисмини билим, тафаккур ва дунёқараш ташкил қилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖА

Ахлоқий бурч ва ахлоқнинг олий таълим тизимида талабаларнинг ўз ишига, ватанига ва оиласига садоқат, бурч орқали хизмат қилишида ва ҳаётини мустаҳкамлаб боришида кўришимиз мумкин .Ахлоқий масалалар ҳар бир даврнинг ўзига яраша муҳим бир муомоси ҳисобланиб келган.Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар ҳақида шундай фикр айтганлар” Айни вақтда ҳалол ва самарали меҳнати, илмий-ижодий ютуқлари, Ватанга садоқатли хизмати билан барчага ўрнак бўлаётган мард ўғлонларимизни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказида бўлиши зарур”[4].

Илм-инсон маънавиятини ёритувчи чироқдир.Илм орқали ҳар бир инсон ўзининг орзу интилишларини амалга ошира олади.Илм олмаслик эса турли иллатларни келтириб чиқаради.Чунки бекорчилик одамларни турли хилдаги жиноятларни содир этишга олиб келади.Жамиятимизда жиноятларнинг камайишини олдини олиш учун ҳам ёшларни илм олишга юксак бурч эгаси бўлиб оиласининг бахтини таъминлашига эришиши керак.

Олий таълим тизимида талабаларнинг ўз ишига ва устозларига бўлган хурматли бўлиши жоиздир. Буни биз буюк фақиҳ олимимиз Бурҳониддин Ал-Марғилонийнинг

“Илм,Олим ва толиби илм ҳақидаги” фикрлари орқали кўришимз мумкин.У ўзининг араб тилида ёзган шеърлари орқали олим,илм ва толиби илм ҳақида ажойиб фикрларини баён этаганки,бу фикрлар орқали ҳудди бугунги кунда ёзилгандек.Масалан у олим ҳақида айтар экан, ижтимоий ҳаётда олимнинг тутган йўли катта таъсирга эга эканини,бузуқ эътиқодли олим динни ,шариатни,илмни ва халқни бузиб юбориши ҳақида айтиб ўтади.

ХУЛОСА

Ҳозирги даврда талаба ёшлар меҳнати, аввало ўқув фаолиятида, фан асосларини эгаллашда, профессионал кўникмалар ҳосил қилишда, илмийтадқиқот ишларида вужудга келади ва такомиллашиб боради. Ўқиш, билимолиш талабалар учун алоҳида хусусиятларга эга бўлган профессионал фаолиятдир.

-Талабанинг ишлаб чиқариш амалиётидаги меҳнатининг асосий кўрсаткичи ўқув жараёнида олган билимларини иш фаолиятида мустақил қўллай билиш даражаси, меҳнат унумдорлигини оширишга қўшган ҳиссаси, бажарилган ишнинг сифати ва самарадорлиги, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиши ва бошқалардир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abdulla Avloniy.Toshkent tongi.-T.:”G’afur G’ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti”-1979,16-b
2. Abu Nasr Farobiy.Fozil odamlar shahri.-T.:” O’zbekiston Milliy ensklopediyasi”, -T.:2004,66-B
3. Sompong Punturat, Paisan Suwannoi, Jatuphum Ketchatturat. Intellectual Skills Assessment for the Teacher Studentsat the Faculty of Education, Khon Kaen University. Procedia - Social and Behavioral Sciences 116 (2014) –pp. 1704 – 1708.
4. Shavkat Mirziyoyev.Milliy Taraqqiyot yo’limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko’taramiz.-T.:”O’zbekiston”-2017,535-b.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Матчанова Барно Иркиновна
Ўзбекистон миллий университети тадқиқотчиси
sapayev-2017@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада миллий ғоя тизимини ривожлантиришнинг айрим муаммолари муҳим омиллардан, шунингдек бу тизимнинг элементларидан бири бўлган инсон дунёқараши билан алоқадорлиги масалалари назарий-методологик жиҳатдан кўриб чиқилган. ҳамда соҳа мутахассисларини бу бўйича ёндашувлари таҳлил қилинган. шунингдек, хулоса қисмида муаллифнинг мавзуга доир фикр-мулоҳазалари келтирилади.

Калит сўзлар: миллий ғоя, тизим, элемент, дунёқараш, фикр, мулоҳаза, онг, тафаккур, тараққиёт,ислоҳот, ижтимоий ҳаёт соҳалари.

КИРИШ

XXI аср авлоди турли ғоявий таъсирлар ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ таъсир этадиган, уларнинг бузғунчилик имкониятлари кўпайиб бораётган даврда камол топмоқда. Бугун барча таълим муассасаларида аҳолини бирлаштирадиган, эзгу ишларга сафарбар этадиган, бузғунчи ғояларга қарши курашда миллий ғояни ривожлантириш воситалари борасида қўшимча дарслар, махсус курслар бўлиши муҳим заруратга айланди. Бу борада мазмун-моҳиятига миллий ғоя сингдирилган асарларнинг роли алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, шу мазмундаги ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларининг янги авлодини яратишда миллий ғоя тамойилларини теран акс эттириш ўта муҳим вазифага айланди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тараққиётнинг янги босқичида ушбу мавзуга алоқадор соҳаларда амалга оширилган туб ислоҳатлар ва янгиланишлар таҳлили мазкур жараёнда маънавий-мафкуравий тамойилларнинг миллий ғояни ривожлантиришга таъсири қуйидагича намоён бўлганини аниқлаш имконини берди: а) жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги тезкор ислоҳотлар натижасида халқимизда тадрижий тарзда миллий ғояни ривожлантиришга хизмат қиладиган юксак маънавият туйғуси, миллий юксалиш жараёнига ижобий муносабат, азалий қадриятларни асраб-авайлашга нисбатан кучли интилиш шаклланди; б) демократик ҳуқуқий давлат ва кучли ривожланган фуқаролик жамиятини борпо этиш жараёни талабларига мос миллий ғояни ривожлантириш эҳтиёжи ва зарурати ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий муносабатларни бошқариш сиёсатининг янги усуллари ва воситаларини белгилаб берди, бу борадаги маънавий-мафкуравий норма ва тамойиллар бевосита сиёсатда ўз аксини топа бошлади; в) янги жамият қуришни мақсад қилган миллий ғояни ривожлантиришнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бошқариш ҳамда назорат қилишнинг ҳозирги давр талабларига мос, замонавий институционал тизимини, аҳолининг турли қатламлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролик институтлари ва шахслараро муносабатларда ўзаро ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатлик тамойилларини янада кучайтиришни тақозо қилди

“Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси”да таъкидланганидек, бугун жаҳон геосиёсий майдонидаги ўзгаришлар,

глобаллашув жараёнларининг кучайиши ҳамда замонавий ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ер юзидаги давлатлар тарихида кескин бурилиш ясади. Инсоният мутлақо ўзгача муҳит, янгича талаб ва илгарилари кузатилмаган хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кучайган бир шароитда яшашига тўғри келмоқда. Дунё миқиёсида шиддат билан кечаётган бундай жараёнлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига, жумладан, маънавий-маърифий соҳаларга ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда[1].

Сўнгги пайтларда мафкуравий бўшлиқ, уюшмаган ёшлар, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида турли чора-тадбирларга қаратилган мулоҳазалар илгари сурилмоқда. Бунга эришишда аҳоли, жумладан, ёшларнинг фаоллиги алоҳида аҳамият касб этади. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда эса, ғоявий омил муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан, халқимизни бирлаштирадиган, унинг эзгу мақсадлари ва ҳаётий манфаатларини ўзида мужассам этадиган миллий ғоянинг амал қилиш механизмларини янада кучайтириш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

НАТИЖА

Жамиятдаги объектив бирлашув тенденцияларининг кучайиб бориши миллий ўзига хосликнинг мустаҳкамланиши, миллий ўзликни англашнинг мустаҳкамланиши йўлидаги барқарор қарама-қарши жараён билан биргаликда кечмоқда. Шунинг учун кўпмиллатли давлат ривожланиши учун ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар шароитларида миллий омил алоҳида долзарблик касб этади. Аммо миллий ғоя, миллий ўзликни англашнинг ўзига хосликлари ва унинг асосий қадриятларини ҳисобга олувчи давлат ҳамда миллат сиёсатининг илмий асосланган концепцияси ниҳоясига етмаганлиги жамиятнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. “Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим”[4.114].

Ҳар қандай миллат жаҳон цивилизациясида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга интилар экан, ушбу миллатнинг ғояси умуминсоний қадриятларга ҳам суяниши шарт. Ҳар бир халқнинг тарихий, маданий ва маънавий меросида умуминсоний қадриятлар ҳам ўзига хос шакллар ва кўринишларда ифода этилган бўлади. Шу билан бирга, бошқа миллатлар, давлатлар, динлар ва цивилизацияларнинг хос қадриятлари ва ижобий тажрибаларидан фойдаланиш ҳам жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида маълум аҳамият касб этади. Шу маънода, мафкуравий жараёнлар жадаллашган даврда кучли жамият қуриш учун халқимизнинг миллий маърифий қарашларимизни янада чуқурлаштиришга эҳтиёжлар сезилмоқда. Чунки, биз қураётган жамият ғарбдан ёки шарқдан кўр-кўрона кўчириб олинмаган, балки бир неча минг йиллик тарихий тажрибаларимизга асосланади.

МУҲОКАМА

Умуман, бугунги ижтимоий-маданий тизим учун хусусиятли бўлган ҳаёт фаолиятининг ўзгариб бораётган шароитлари ва янги қадриятли мақсадлар бузғунчи ғояларнинг келиб чиқиши, унинг террорчилик, оммавий қотиллик, геноцид, расизм, нигилизм, вандализм, “оммавий маданият” сингари кўринишлари тарқалишига олиб келмоқда. Айни ҳозирги ижтимоий-маданий тизимда инсон томонидан яратилаётган вайронкор ғоялар, уларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш, бундай ғояларнинг

ҳам вертикал, ҳам горизантал ўсиб бориши сабабларини ўрганиш ҳамда бу ғояларнинг салбий оқибатларини камайтиришнинг эҳтимолий йўлларини ўрганиш талаб этмоқда.

Бугун яхлит Ўзбекистон жамиятни шакллантиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжга қарамасдан, миллий ғоя сиёсатини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва амалий жиҳатдан йўналтириш миллий ғоянинг яққол намоён бўладиган “чизгилари” йўқлиги туфайли маълум даражада муаммоларга дуч келмоқдамиз. Бу эса, ҳозирги жамиятда миллий ғояни рўёбга чиқариш шакли сифатида тадқиқ этиш лозимлигини англатади.

ХУЛОСА

Бизнингча, ўзлигимизни англаш жамиятдаги турли масалалар юзасидан келишув ёки муросага келиш натижаси эмас, балки миллий ғоямизни мамлакатнинг объектив ва субъектив бутунлигини, унинг маданиятини ҳам маконда, ҳам замонда шакллантиришни таъминлайдиган даражадаги мувозанатини вужудга келтириш омили деб тасаввур қилишимиз керак. Бундан келиб чиқадики, миллий юксалиш миллий ғоямизнинг замонавий жамиятга мувофиқлигини кўрсатувчи бошқа шаклларини ҳам очиб беришнинг муҳим шарти сифатида юзага чиқади. Бундан ташқари, айнан бундай миллий юксалиш орқали миллий ғоянинг салоҳияти ва унинг ўзига хослиги намоён бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси лойиҳаси. https://uza.uz/uz/posts/milliy-oyani-rivozhlantirish-kontseptsiyasi-umumkhal-mu-okam-12-12-2019.
2. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси лойиҳаси. https://uza.uz/uz/posts/milliy-oyani-rivozhlantirish-kontseptsiyasi-umumkhal-mu-okam-12-12-2019.
3. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси лойиҳаси. https://uza.uz/uz/posts/milliy-oyani-rivozhlantirish-kontseptsiyasi-umumkhal-mu-okam-12-12-2019.
4. Мирзиёев Ш.М. «Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолятимизга берилган энг олий баҳодир» 2-жилд -Тошкент, «Ўзбекистон» 2019. –Б. 114

РЕШЕНИЕ ЗАДАЧИ КОШИ РАЗЛОЖЕНИЕМ В СТЕПЕННОЙ РЯД

Алиев Джавохир Эшдавлатович[1], Ўтаназарова Юлдуз Равшан қизи[2]

[1]Научный руководитель
преподаватель кафедры прикладной математики
и информатики javohir0033@mail.ru.,
[2]Студентка Термезского государственного университета
факультета информационных технологий
otanazarovay@gmail.com.

Аннотация: В данной статье выражается решение задач Коши разложением в степенной ряд на основе современных технологий. Задачи Коши решались с помощью программы Maple.

Ключевые слова: *DiffSer(), intDiff(), piecewise(), DiffInner(),* Функция Тейлора, математический маятник.

Применение рядов для решения ДУ рассмотрим на примере нелинейного уравнения второго порядка вида $y'' = f(x, y, y')$ удов

летворяющего начальным условиям $y(x_0) = y_0$, $y'(x_0) = y'_0$.

Предположим, что решение поставленной задачи существует и будем его искать в форме ряда Тейлора функции *y(x).*

$$y(x) = y(x_0) + y'(x_0)(x - x_0) + \frac{1}{2}y''(x_0)(x - x_0)^2 + \ldots$$

Для построения решения нужно знать производные в точке x0 порядка 1, 2, 3, ..., но это можно сделать с помощью самого уравнения и его начальных условий. Действительно, из начальных условий мы сразу имеем значение функции и ее первой производной в точке x_0. Подставляя их в уравнение, сразу находим значение 2-й производной $y''(x_0) = f(x_0, y_0, y'_0)$ Дифференцируя обе части исходного уравнения по аргументу x, получим выражение для 3-й производной

$$y''' = \frac{\partial f(x, y, y')}{\partial x} + \frac{\partial f(x, y, y')}{\partial y}y' + \frac{\partial f(x, y, y')}{\partial y'}y''$$

Подставляя в правую часть $x = x_0$ и значения предыдущих производных в этой точке, находим значение 3-й производной $y'''(x_0)$ в точке $x = x_0$. Дифференцируя последнее выражение еще раз, и выполняя подстановку известных производных, находим значение 4-й производной в точке $x = x_0$. Для определения производных функции *y(x)* в точке x_0 до требуемого порядка *n* дифференцирование и подстановку выполняем необходимое число раз. Затем найденные значения производных подставляем в представление решения в форме ряда Тейлора. Для тех значений *x* для которых этот ряд сходится, он будет представлять искомое решение задачи Коши.

Для решения задачи Коши $y'' = f(x, y, y')$, $y(x_0) = y_0$, $y'(x_0) = y'_0$ используем

следующую процедуру(см.[1],стр.450).

```
DiffSer:=proc(f::anything,x::name,y::name,y1::name,\
x0::numeric,y0::numeric,y01::numeric,n::integer)
local p,der,i,j,s:
```

```
m0||1:=y01:
m0||2:=subs(x=x0,y=y0,y1=y01,f);
der:=subs(y1=m1,f);
p:=y0+m0||1*(x-x0)+m0||2*(x-x0)^2/2:
 for i from 3 to n do
s:=0:
for j from 1 to i-2 do
s:=s+diff(der,m||j)*m||(j+1);
end do:
der:=diff(der,x)+diff(der,y)*m||1+s;
m0||i:=eval(der,{x=x0,y=y0,seq(m||k=m0||k,k=1..i-1)});
p:=p+(m0||i)*(x-x0)^i/i!; end do;
end proc:
```

Аргументами процедуры являются выражение для правой части ДУ *(f),* имена независимой переменной *(x),* неизвестной функции *(y)* и ее производной (y'), а также параметры x_0, y_0, y'_0, определяющие условия задачи Коши. Порядок усечения ряда n, задаваемый последним параметром, указывает, что последний член ряда будет иметь вид $a_n(x-x_0)^n$.

Операторы расположенные до первого цикла *for* формируют первые 3 члена ряда. В цикле *for* вычисляются оставшиеся производные и их значения в точке $x = x_0$, а также формируется ряд. В процедуре для всех появляющихся при последовательном дифференцировании производных решения используются обозначения *mN*, где *N* – порядок производной, а для их значений в точке x_0 используются переменные m_0N.

Пример 1. Решить следующую задачу Коши: $\frac{\partial^2}{\partial x^2}y = -yx^2$, $y(0)=1$, $\frac{d}{dx}y(0)=0$.

```
s:=DiffSer(-y*x^2,x,y,y1,0,1,0,20);
```

$$s := 1-\frac{1}{12}x^4+\frac{1}{672}x^8-\frac{1}{88704}x^{12}+\frac{1}{21288960}x^{16}-\frac{1}{8089804800}x^{20}$$

Выбранная задача имеет точное решение.

```
dsolve({diff(y(x),x$2)=-y(x)*x^2,y(0)=1,D(y)(0)=0},y(x));
s1:=rhs(%);
```

$$y(x)=\frac{1}{2}\Gamma\left(\frac{3}{4}\right)\sqrt{x}BesselJ\left(\frac{1}{4},\frac{x^2}{2}\right)-\frac{1}{2}\Gamma\left(\frac{3}{4}\right)\sqrt{x}BesselY\left(\frac{1}{4},\frac{x^2}{2}\right)$$

Для сравнения построим графики точного и приближенного решений. На следующем графике слева показано точное решение и приближенное до 20 – й степени, а справа до 100-й степени..

```
plot([s,s1],x=0..5,- 1..1,
color=BLACK,thickness=2,linestyle=[1,4]);
```



Как видим, увеличение числа членов ряда расширяет интервал аппроксимации решения.

Пример 2. Исследуем колебания плоского математического маятника – точка массы *m* подвешена на конце нити длины *l* и находится в однородном поле тяжести. Колебания маятника описываются уравнением $ml^2\varphi'' + mgl\sin\varphi = 0$,

где $\varphi(t)$ - угол отклонения маятника от положения равновесия. Перепишем это уравнение в виде $\varphi_n' = -\frac{g}{l}\sin\varphi$. Это вид ДУ, который можно решать с помощью процедуры *DiffSer*.

Для примера выберем *m=1*, *g=1*, а начальные условия возьмем следующего вида $\varphi(0) = 0, \quad \varphi'(0) = \frac{1}{8}$ т.е. задана начальная скорость и в нулевой момент времени маятник находится в положении равновесия.

Решим эту задачу Коши с помощью процедуры *DiffSer*.

```
> s:=DiffSer(-sin(y),x,y,y1,0,0,1/8,14);
```

$$s := \frac{1}{8}x - \frac{1}{48}x^3 + \frac{13}{12288}x^5 - \frac{4801}{165150720}x^7 + \frac{19531}{21743271936}x^9 - \frac{38052343}{765363172147200}x^{11} + \frac{4421087563}{1528277182143528960}x^{13}$$

```
> plot(s,x=0..Pi+1,color=BLACK,thickness=2,
linestyle=[1,4],numpoints=1000);
```



Если начальная скорость не слишком велика, то колебания должны быть периодическими. Мы видим, что наше решение через некоторый промежуток времени принимает нулевое значение, а значит, маятник возвращается в положение равновесия. Вероятно о дальнейшем поведении решения наш ряд ничего не говорит, поскольку начинает сказываться погрешность приближения.

Пример 3. Решим то же ДУ с другими начальными условиями, $\varphi(0) = \frac{1}{8}, \quad \varphi'(0) = 0$, т.е. задана начальное отклонение относительно положения равновесия, а начальная скорость равна 0.

```
> s:=DiffSer(-sin(y),x,y,y1,0,1/8,0,9):
evalf[5](s);
```

$$0.12500 - 0.062335x^2 + 0.0051542x^4 - 0.00016239x^6 + 0.14468 \cdot 10^{-5}x^8$$

```
> plot(s,x=0..Pi+2,color=BLACK,thickness=2,
linestyle=[1,4],numpoints=1000);
```



Из графика видно, что материальная точка возвращается в положение равновесия, затем удаляется от него в противоположном направлении. Для больших моментов времени полученное решение применять нельзя. Построить решение в форме ряда можно и другим способом. В этом способе решение *y(x)* представляется в виде степенного ряда с неопределенными коэффициентами

$$y(x) = a_0 + a_1(x - x_0) + a_2(x - x_0)^2 + a_3(x - x_0)^3 + ...$$

Этот ряд подставляется в левую и правую части уравнения $y'' = f(x, y, y')$ причем все функции правой части также раскладываются в степенные ряды. Далее выполняются необходимые вычисления с рядами правой части для представления ее в виде одного степенного ряда. Приравнивая в левой и правой части коэффициенты при одинаковых степенях $(x - x_0)^n$, получим систему линейных уравнений относительно неизвестных коэффициентов ряда a_n

В работе [1] стр.453 приведена процедура решения задачи Коши для ДУ 2-го порядка, имеющей вид $y'' = f(x, y, y')$, $y(x_0) = y_0$, $y'(x_0) = y'_0$, реализующая

описанный алгоритм. Вот ее код.

```
intDiff:=proc(f::anything,x::name,y::name,y1::name,\
x0::numeric,y0::numeric,y01::numeric,n::integer)
local p,pL,i,s,a,result:
p:=y0+y01*(x-x0):
 result:=p+sum(a[i]*(x-x0)^i,i=2..n);
 p:=p+sum(a[i]*(x-x0)^i,i=2..n+2);
pL:=series(subs(y=p,y1=diff(p,x),f),x=x0,n+1);
for i from 0 to n do
 eq||i:=coeff(diff(p,x$2)-convert(pL,polynom),x,i)=0;
 end do:
s:=solve({seq(eq||i,i=0..n)},{seq(a[i],i=2..n+2)});
assign(s); eval(result);
end proc:
```

Аргументы этой процедуры имеют тот же смысл, что и аргументы предыдущей процедуры. В теле процедуры введен промежуточный ряд, имеющий слагаемых на 2 больше, чем требуемое число членов, т.к. его приходится дважды дифференцировать. Отметим, что эта процедура работает быстрее предыдущей.

Пример 4. Решим задачу Коши $xy'' + y' + xy = 0, \quad y(0) = 1, \quad y'(0) = 0$. Для решения это уравнение с помощью разработанной процедуры, преобразуем его к виду $y'' = -\frac{y'}{x} - y$.

Отметим, что функция правой части при *x=0* не определена. Поэтому применение процедуры реализующей первый способ построения решения в виде ряда не представляется возможным, т.к. ее алгоритм предполагает вычисление правой части в точке *x=0*. Но в методе поиска неопределенных коэффициентов, реализованном в последней процедуре, значение правой части в этой точке не вычисляется.

```
> s:=intDiff(-y1/x-y,x,y,y1,0,1,0,12);
```

$$1 - \frac{1}{4}x^2 + \frac{1}{64}x^4 - \frac{1}{2304}x^6 + \frac{1}{147456}x^8 - \frac{1}{15745600}x^{10} + \frac{1}{2123366400}x^{12}$$

```
> s1:=dsolve({x*diff(y(x),x$2)+diff(y(x),x)+x*y(x)=0,
```

```
y(0)=1,D(y)(0)=0},y(x));
```

$s1 := y(x) = BesselJ(0, x)$

```
> plot([s,rhs(s1)],x=0..7,color=BLACK,thickness=2,
linestyle=[1,4],numpoints=1000);
```



